

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MOЛИЯ VAZIRINING
BUYRUGHI**448** Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (20-сонли БҲМС) «Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан бухгалтерия ҳисобини юритишнинг соддалаштирилган тартиби»ни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 14 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2501

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 142-модда) 5-моддасига мувофиқ **бюраман**:

1. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (20-сонли БҲМС) «Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан бухгалтерия ҳисобини юритишнинг соддалаштирилган тартиби» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 23 ноябрда 87-сон билан тасдиқланган «Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳисоб юритишнинг ва ҳисобот тузишнинг соддалаштирилган тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (20-сонли БҲМС) (рўйхат рақами 879, 2000 йил 24 январь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 2-сон);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 9 октябрдаги 113-сонли «Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳисоб юритишнинг ва ҳисобот тузишнинг соддалаштирилган тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (20-сонли БҲМС)га ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 879-1, 2003 йил 13 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 19-20-сон);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2006 йил 14 июндаги 51-сонли «Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳисоб юритишнинг ва ҳисобот тузишнинг соддалаштирилган тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (20-сонли БҲМС)га ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 879-2, 2006 йил 11 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 28-29-сон, 280-модда).

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 16 июль,
70-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2013 йил 16 июлдаги
70-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (20-сонли БҲМС)
«Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан бухгалтерия
ҳисобини юритишнинг соддалаштирилган тартиби»**

Мазкур Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (бундан буён матнда БҲМС деб юритилади) «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 142-модда) мувофиқ, кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан бухгалтерия ҳисобини юритишнинг соддалаштирилган тартибини белгилайди.

І боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур БҲМСнинг мақсади кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан бухгалтерия ҳисобини юритишнинг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш ва унинг услубиётини аниқлаш тартибини белгилаш ҳисобланади.

2. Мазкур БҲМС талаблари барча кичик тадбиркорлик субъектларига нисбатан татбиқ этилади, якка тартибдаги тадбиркорлар ва фермер хўжаликлари бундан мустасно. Якка тартибдаги тадбиркорлар ўзларининг даромадлари ва харажатлари ҳамда бошқа солиқ солиш объектлари ҳисобини солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, фермер хўжаликлари эса, ўзларининг бухгалтерия ҳисобини Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тизимини ташкил этиш тўғрисида низомга (рўйхат рақами 1781, 2008 йил 26 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 12-13-сон, 81-модда) мувофиқ юритади.

3. Кичик тадбиркорлик субъекти ўз фаолиятида бошқа бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг умумқабул қилинган қоидаларидан фойдаланади.

II боб. Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш

4. Бухгалтерия ҳисоби кичик тадбиркорлик субъекти раҳбари томонидан ташкил этилади.

5. Кичик тадбиркорлик субъектларининг раҳбари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

бош бухгалтер раҳбарлигидаги бухгалтерия ҳисоби хизматини ташкил этиш ёки шартнома асосида жалб қилинган бухгалтер хизматидан фойдаланиш;

бухгалтерия ҳисобини юритишни шартнома асосида ихтисослашган бухгалтерия фирмасига юклаш;

бухгалтерия ҳисобини мустақил юритиш.

6. Бухгалтерия ҳисобини юритишнинг соддалаштирилган тартиби кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан ихтиёрий равишда танланади.

7. Кичик тадбиркорлик субъекти томонидан бир нечта турдаги фаолият амалга оширилганда, бухгалтерия ҳисоби ушбу фаолият турлари бўйича алоҳида юритилади.

III боб. Бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тартибини юритиш

8. Бухгалтерия ҳисоби объектларининг ҳисоби тегишли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари талабларига мувофиқ юритилади.

Кичик тадбиркорлик субъекти ҳисоб сиёсатини ўз молиявий-хўжалик фаолияти эҳтиёжлари ва хусусиятларидан келиб чиқиб, мустақил ишлаб чиқади, бухгалтерия ҳисобини эса, бухгалтерия ҳисобининг қонун ҳужжатларида белгиланган асосий қоидаларига мувофиқ юритади.

9. Кичик тадбиркорлик субъекти қўлланилаётган бухгалтерия ҳисоби регистрларини ўз фаолиятининг хусусиятларига мустақил равишда мослаштириши мумкин. Бунда қуйидаги талабларга риоя қилинади:

ягона услубий асос (икки ёқлама ёзув тамойили)га;

аналитик ва синтетик ҳисоб маълумотларининг ўзаро боғлиқлигига;

бошланғич ҳисоб ҳужжатлари асосида барча молиявий-хўжалик операцияларини ҳисоб регистрларида тўлиқ акс эттиришга;

бошланғич ҳисоб ҳужжатлари маълумотларини бошқариш, назорат қилиш ва молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш ҳамда молиявий ҳисобот тузиш учун зарур бўладиган кўрсаткичлар бўйича жамлаш ва тизимлашга.

10. Қуйидагилар бухгалтерия ҳисобини юритиш босқичлари ҳисобланади:

барча молиявий-хўжалик операцияларини ҳужжатлаштириш;

бошланғич ҳисоб ҳужжатларида акс эттирилган маълумотларни қўлланилаётган бухгалтерия ҳисоби регистрларида қайд этиш;

молиявий ҳисоботни тузиш.

11. Бошланғич ҳисоб ҳужжатлари молиявий-хўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш учун асос ҳисобланади. Бошланғич ҳисоб ҳужжатлари молиявий-хўжалик операциялари амалга ошириладиган вақтда ёки улар амалга ошириб бўлинганидан кейин тузилади.

12. Бошланғич ҳисоб ҳужжатлари қонун ҳужжатларида белгиланган намунавий шаклларда ёки кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан мазкур БҲМС талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган бланкаларда тузилади.

Кичик тадбиркорлик субъектлари қонун ҳужжатларида белгиланган намунавий шаклларга ўз фаолиятининг хусусиятларидан келиб чиқиб, қўшимча устунлар ва қаторлар киритишга ҳақли.

13. Бошланғич ҳисоб ҳужжатлари текширилиши шарт. Бунда бошланғич ҳисоб ҳужжатлари шакл (ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши тўлиқлиги ва тўғрилиги, реквизитларнинг тўлдирилиши) ва мазмун (ҳужжатлаштирилган молиявий-хўжалик операцияларининг қонунийлиги, алоҳида кўрсаткичларнинг мантиқий боғлиқлиги) бўйича текширилади.

14. Бухгалтерия ҳисобини содалаштирилган шаклда ташкил этиш учун кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сонли БҲМС) Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқномага (рўйхат рақами 1181, 2002 йил 23 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 20-сон) мувофиқ Молиявий-хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобининг ишчи счётлар режаси тузилади.

15. Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан бухгалтерия ҳисобининг содалаштирилган шакли бухгалтерия ҳисобининг оддий ёки комбинациялашган шакллари асосида юритилиши мумкин. Ушбу шакллар кичик тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш ва бошқарув талабларидан келиб чиқиб, мустақил танланади.

16. Ҳисобот даврида амалга оширилган молиявий-хўжалик операциялари хронологик тартибда мазкур БҲМСнинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги журналда қайд этиб борилади. Мазкур регистр китоб кўринишида юритилди ҳамда у тикилган ва рақамланган бўлиши шарт. Регистрда молиявий-хўжалик операцияларининг ҳисоби ҳисобот даври учун ойлар ёки чорақлар кесимида юритилади ҳамда унинг сўнгги варағида «Мазкур Журналда _____ варақ рақамланган» деб ёзилади ва кичик тадбиркорлик субъекти раҳбари томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади. Варақлар сони ёзув билан кўрсатилади.

IV боб. Бухгалтерия ҳисобининг оддий шакли

17. Кичик тадбиркорлик субъекти фаолиятида бухгалтерия ҳисоби объектлари ҳисобини оддий шаклда юритиш учун мазкур БҲМСнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда Молиявий-хўжалик операцияларини ҳисобга олиш китоби

қўлланилади. Ушбу регистр китоб кўринишида юритилади ҳамда тикилган ва рақамланган бўлиши шарт. Молиявий-хўжалик операциялар ҳисоби ҳисобот йили давомида мазкур Китобда қайд этиб борилади. Мазкур Китобнинг сўнги варағида «Мазкур Китобда _____ варақ рақамланган» деб ёзилади ва кичик тадбиркорлик субъекти раҳбари томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади. Варақлар сони ёзув билан кўрсатилади.

18. Мазкур Китобда молиявий-хўжалик операциялари натижалари тегишли сўтлар бўйича Молиявий-хўжалик операцияларини қайд этиш журналида келтирилган маълумотлар асосида акс эттирилади.

19. Молиявий-хўжалик операцияларини ҳисобга олиш китобида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан қўлланиладиган барча сўтлар мавжуд бўлади.

20. Молиявий-хўжалик операцияларини ҳисобга олиш китоби унинг «20__ йил __ _____даги қолдиқ» қаторида активларнинг, мажбуриятларнинг ва хусусий капиталнинг ҳар бир тури бўйича ҳисобот даврининг бошида мавжуд бўлган қолдиқ суммасини қайд этиш билан очилади. Актив сўтлар бўйича қолдиқ ушбу сўтларнинг дебетида, пассив сўтлар бўйича қолдиқ эса ушбу сўтларнинг кредитида ёзилади.

Ҳар бир қаторда тегишли бухгалтерия сўти бўйича ёзувлар Молиявий-хўжалик операцияларини қайд этиш журналида қайд этилган бухгалтерия ёзувлари (проводкалари) маълумотлари асосида позиция усулида хронологик кетма-кетликда амалга оширилади.

21. Ҳар ойнинг ёки чоракнинг охирида кичик тадбиркорлик субъекти томонидан ўз молиявий-хўжалик фаолиятининг натижасини аниқлаш учун Молиявий-хўжалик операцияларини ҳисобга олиш китобида ой ёки чорак бўйича қолдиқ чиқарилади.

22. Молиявий-хўжалик операцияларини ҳисобга олиш китобида қайд этилган активлар, мажбуриятлар ва хусусий капитални ҳисобга олувчи сўтлар бўйича қолдиқлар 1-сонли шакл — бухгалтерия балансига, даромадлар ва харажатларни ҳисобга олувчи сўтлар бўйича ҳисобот давридаги айланма 2-сонли шакл — молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга ўтказилади.

V боб. Бухгалтерия ҳисобининг комбинациялашган шакли

23. Бухгалтерия ҳисобининг комбинациялашган шакли бир неча бухгалтерия ҳисоби қайдномаларини қўллаш орқали юритилади. Бухгалтерия ҳисоби қайдномаларидаги ёзувлар Молиявий-хўжалик операцияларини қайд этиш журнали ва бошланғич ҳисоб ҳужжатларида келтирилган маълумотлар асосида акс эттирилади.

24. Комбинациялашган шаклни юритишда қуйидаги бухгалтерия ҳисоби қайдномаларидан фойдаланилади:

мазкур БХМСнинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги Асосий воситалар ва номоддий активларни ҳисобга олиш қайдномаси;

мазкур БҲМСнинг 4-иловасига мувофиқ шаклдаги Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш қайдномаси;

мазкур БҲМСнинг 5-иловасига мувофиқ шаклдаги Капитал қўйилмаларни ҳисобга олиш қайдномаси;

мазкур БҲМСнинг 6-иловасига мувофиқ шаклдаги Товар-моддий захираларни ҳисобга олиш қайдномаси;

мазкур БҲМСнинг 7-иловасига мувофиқ шаклдаги Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномаси;

мазкур БҲМСнинг 8-иловасига мувофиқ шаклдаги Бошқа дебиторлик қарзларини ҳисобга олиш қайдномаси;

мазкур БҲМСнинг 9-иловасига мувофиқ шаклдаги Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини ҳисобга олиш қайдномаси;

мазкур БҲМСнинг 10-иловасига мувофиқ шаклдаги Мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномаси;

мазкур БҲМСнинг 11-иловасига мувофиқ шаклдаги Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномаси;

мазкур БҲМСнинг 12-иловасига мувофиқ шаклдаги Мехнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномаси;

мазкур БҲМСнинг 13-иловасига мувофиқ шаклдаги Бошқа мажбуриятларни ҳисобга олиш қайдномаси;

мазкур БҲМСнинг 14-иловасига мувофиқ шаклдаги Хусусий капитални ҳисобга олиш қайдномаси;

мазкур БҲМСнинг 15-иловасига мувофиқ шаклдаги Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш қайдномаси;

мазкур БҲМСнинг 16-иловасига мувофиқ шаклдаги Ҳисобот даври даромадларини ҳисобга олиш қайдномаси;

мазкур БҲМСнинг 17-иловасига мувофиқ шаклдаги Ҳисобот даври харажатларини ҳисобга олиш қайдномаси;

мазкур БҲМСнинг 18-иловасига мувофиқ шаклдаги Якуний молиявий натижани ҳисобга олиш қайдномаси;

мазкур БҲМСнинг 19-иловасига мувофиқ шаклдаги Молиявий-хўжалик операцияларини ҳисобга олиш жамланма қайдномаси.

25. Кичик тадбиркорлик субъектлари активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, даромадлар ва харажатлар ҳақидаги маълумотларни тўплаш учун қонун ҳужжатларида белгиланган мажбурий реквизитларни кўрсатган ҳолда қайдномаларни мустақил равишда ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва татбиқ этиш ҳуқуқига эга.

26. Ҳар бир қайднома бир ёки бир неча фойдаланилаётган бухгалтерия счётлари бўйича операциялар ҳисобини юритиш учун қўлланилади.

Ҳар бир молиявий-хўжалик операциясининг суммаси бир вақтнинг ўзида иккита қайдномага ёзилади. Бунда биринчисида — счётнинг дебети бўйича кредитланадиган счётнинг рақамини кўрсатган ҳолда, иккинчисида эса — корреспонденцияланадиган счётнинг кредити бўйича ва худди шундай дебетланадиган счётнинг рақамини кўрсатган ҳолда ёзилади. Иккала қайдномаларда ҳам тегишли устунлар бўйича ёзувлар Молиявий-хўжалик операция-

ларини қайд этиш журнали ва бошланғич ҳисоб ҳужжатларида келтирилган маълумотлар асосида амалга оширилган молиявий-хўжалик операцияларидан келиб чиқиб акс этирилади.

27. Қайдномалар ўтган давр охиридаги қолдиқларни ҳисобот даврининг бошида қайд этиш билан очилади. Ушбу қайдномалардаги активлар, мажбуриятлар ва хусусий капитални ҳисобга олувчи счётларнинг қолдиқлари ёзувларни амалга оширишга асос бўлган тегишли бошланғич ҳисоб ҳужжатлари маълумотлари билан солиштирилиши шарт.

28. Ҳар бир қайднома кичик тадбиркорлик субъектларининг раҳбари ва бухгалтери томонидан имзоланиши лозим. Кичик тадбиркорлик субъектининг раҳбари бухгалтерия ҳисобини мустақил юритаётган бўлса, қайдномаларни бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахс сифатида ўзи имзолаш ҳуқуқига эга.

29. Асосий воситалар ва номоддий активларни ҳисобга олиш қайдномаси — асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар (0100) бўйича ва молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар (0300) бўйича асосий воситаларнинг, номоддий активларни ҳисобга олувчи счётлар (0400) бўйича номоддий активларнинг, асосий воситалар эскиришини ҳисобга олувчи счётлар (0200) бўйича эскиришнинг ва номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи счётлар (0500) бўйича амортизациянинг мавжудлиги ва ҳаракатланишининг аналитик ва синтетик ҳисоби регистри ҳисобланади. Мазкур қайдномада асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича маълумотлар позицияли усул билан ҳар бир объект бўйича алоҳида ёзиб борилади.

Асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича ҳаракатланиш мавжуд бўлган тақдирда, уларнинг айланма суммалари ҳар ойда ҳисобланади ва ҳисобот ойдан кейинги ойднинг 1-санасига қолдиқ чиқарилади.

Асосий воситалар, шунингдек молиявий ижара шартномаси асосида олинган воситалар бўйича эскириш Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (5-сонли БҲМС) «Асосий воситалар»га (рўйхат рақами 1299, 2004 йил 20 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 3-сон, 35-модда) мувофиқ ҳисобланади.

Номоддий активлар бўйича амортизация танланган усулга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (7-сонли БҲМС) «Номоддий активлар»га (рўйхат рақами 1485, 2005 йил 27 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 25-26-сон, 188-модда) асосан ҳисобланади.

30. Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш қайдномаси — узоқ муддатли молиявий инвестицияларни ҳисобга олувчи счётларда (0600) ва қисқа муддатли молиявий инвестицияларни ҳисобга олувчи счётларда (5800) ҳисобга олинadиган молиявий инвестициялар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштирувчи регистр ҳисобланади.

31. Капитал қўйилмаларни ҳисобга олиш қайдномаси — капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётларда (0800) ҳисобга олинadиган асосий воси-

талар ва номоддий активларга қўйилган инвестициялар ва бошқа капитал қўйилмалар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштирувчи регистр ҳисобланади. Мазкур қайдномада бухгалтерия ҳисоби ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи счётларда (0700) юритиладиган қуриладиган, реконструкция қилинадиган объектларга капитал қўйилмалар орқали келтирилган, ўрнатиш учун мўлжалланган ва монтажни талаб қилувчи технологик, энергетик ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарнинг (лаборатория, тажриба мосламалари ва устахоналар учун мўлжалланган асбоб-ускуналар) мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотлар ҳам акс эттирилади.

32. Товар-моддий захираларни ҳисобга олиш қайдномаси — материалларни ҳисобга олувчи счётларда (1000), тайёр маҳсулотларни ҳисобга олувчи счётларда (2800) ва товарларни ҳисобга олувчи счётларда (2900) акс эттириладиган товар-моддий захираларнинг аналитик ва синтетик ҳисоби регистри ҳисобланади. Мазкур қайднома бир ой ёки чорак учун очилади ва моддий жавобгар шахслар бўйича барча турдаги қимматликлар кесимида уларнинг ҳар бир тури бўйича ҳисобот давридаги ҳаракатланиш бўлган ёки бўлмаганлигидан қатъи назар, алоҳида юритилади.

33. Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномаси — олинadиган счётларни ҳисобга олувчи счётларда (4000) ҳисобга олинadиган харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китобларнинг ҳисоби регистри ҳисобланади. Мазкур қайдномада олинadиган счётларни ҳисобга олувчи счётларнинг (4000) дебети бўйича позицияли усулда, харидор ва буюртмачиларнинг сотилган товар-моддий захиралари ва бошқа активлар учун дебиторлик қарзлари қайд этиб борилади. Олинadиган счётларни ҳисобга олувчи счётларнинг (4000) кредитида якуний ҳисоб-китоблар бўйича операциялар (харидор ва буюртмачилардан олинган авансларни ҳисобга олиш) қайд этилади.

34. Бошқа дебиторлик қарзларини ҳисобга олиш қайдномаси — кичик тадбиркорлик субъектининг маҳсулотлар ва бошқа активларни сотиш билан боғлиқ бўлмаган молиявий-хўжалик операциялари натижасида юзага келадиган дебиторлик қарзларининг аналитик ва синтетик ҳисоби регистри ҳисобланади. Мазкур қайднома узоқ муддатли дебиторлик қарзлари ва кечиктирилган харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (0900), 4120 «Шўба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинadиган счётлар» счёти, 4210 «Меҳнат ҳақи бўйича берилган аванслар» счёти, мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган авансларни ҳисобга олувчи счётлар (4300), бюджетга аванс тўловларини ҳисобга олувчи счётлар (4400), мақсадли давлат жамғармаларига ва суғурталар бўйича аванс тўловларини ҳисобга олувчи счётлар (4500), устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзини ҳисобга олувчи счётлар (4600), ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзларини ҳисобга олувчи счётлар (4700) ва турли дебиторлар қарзларини ҳисобга олувчи счётларда (4800) ҳисобга олинadиган бошқа дебиторлик қарздорликларининг ҳар бир тури учун алоҳида очилади. Мазкур қайдномада бошқа дебиторлик қарзлари уларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебети бўйича позицияли усулда, бошқа дебиторлик қарздорликларнинг ҳар бир тури учун

алохида дебиторлар кесимида қайд этиб борилади. Бошқа дебиторлик қарзларини ҳисобга олувчи счётларнинг кредитида якуний ҳисоб-китоблар бўйича операциялар акс этирилади.

35. Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини ҳисобга олиш қайдномаси — пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини ҳисобга олувчи счётларда (5000, 5100, 5200, 5500, 5600, 5700) ҳисобга олинадиган пул маблағлари ва улар эквивалентларининг ҳисоби регистри ҳисобланади. Мазкур қайдномада ҳисоб-китоб счёти ва банкдаги бошқа счётлар бўйича операциялар ёзувлари банк кўчирмалари ва унга илова қилинган ҳужжатлар асосида қайд этилади.

Пул маблағларини қабул қилиш ва топшириш, кирим ва чиқим ҳужжатларини расмийлаштириш, касса китобини юритиш, касса операциялари тўғрисидаги ҳисоботни тузиш Юридик шахслар томонидан касса операцияларини юритиш қоидаларида (рўйхат рақами 565, 1998 йил 17 декабрь) белгиланган тартибда амалга оширилади.

36. Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномаси — мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётларда (6000, 7000) ҳисобга олинадиган мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш регистри ҳисобланади. Мазкур қайдномада мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётларнинг (6000, 7000) кредити бўйича олинган моддий қимматликлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг счётлари позицияли усулда қайд этиб борилади. Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётларнинг дебитида (6000, 7000) улар билан якуний тўлов операциялари (берилган авансларни ҳисобга олиш) акс этирилади.

37. Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномаси — 4220 «Хизмат сафарларига берилган аванслар» счёти, 4230 «Умумхўжалик харажатлари учун берилган аванслар» счёти ва 6970 «Ҳисобдор шахсларга қарздорлик» счёти бўйича ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китобларнинг аналитик ва синтетик ҳисоби регистри ҳисобланади.

38. Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномаси — меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олувчи счётларда (6700) ҳисобга олинадиган меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби регистри ҳисобланади. Мазкур қайдноманинг «6710 — счёти кредитидан қуйидаги счётлар дебетига» бўлимида ҳисобланган иш ҳақи суммалари, «6710 — счёти дебетидан қуйидаги счётлар кредитига (ушлаб қолинган)» бўлимида иш ҳақидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча ушланмаларнинг (жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, берилган аванслар суммаси, ҳисобдор шахслар томонидан ўз вақтида қайтарилмаган суммалар, ижро варақалари бўйича суммалар) суммалари, «Тўланади» устунида тўланиши лозим бўлган суммалар акс этирилади. Мазкур қайдномадан иш ҳақини тўлаш учун тўлов ҳужжати сифатида фойдаланилиши мумкин.

Тўланиши лозим бўлган иш ҳақи ўз вақтида олинмаган тақдирда, маз-

кур қайдноманинг «Тўланади» устунига «Депонентланган» деб ёзилади ва тегишли сумма ҳар бир ходим бўйича кейинги ойнанинг қайдномасидаги «20__ йил _____ ойдаги қолдик» устунига ўтказилади.

39. Бошқа мажбуриятларни ҳисобга олиш қайдномаси — асосий ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ бўлмаган молиявий-хўжалик операциялари натижасида юзага келадиган бошқа мажбуриятларнинг аналитик ва синтетик ҳисоби регистри ҳисобланади. Мазкур қайднома 6120 «Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар» счётида, кечиктирилган мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётларда (6200), олинган авансларни ҳисобга олувчи счётларда (6300), бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётларда (6400), суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётларда (6500), таъсисчилар олдидаги қарзларни ҳисобга олувчи счётларда (6600), қисқа муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга олувчи счётларда (6800) ва 6970 «Ҳисобдор шахсларга бўлган қарз» счётидан ташқари турли кредиторлар олдидаги қарзларни ҳисобга олувчи счётларда (6900), 7120 «Шўъба ва қарам хўжалик жамиятлари олдидаги узоқ муддатли қарзлар» счётида, кечиктирилган узоқ муддатли мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётларда (7200), харидорлардан ва буюртмачилардан олинган авансларни ҳисобга олувчи счётларда (7300), узоқ муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга олувчи счётларда (7800) ва турли кредиторлар олдидаги узоқ муддатли қарзларни ҳисобга олувчи счётларда (7900) ҳисобга олинган бошқа мажбуриятларнинг ҳар бир тури бўйича кредиторлар кесимида алоҳида очилади.

Мазкур қайдномада бошқа мажбуриятлар уларни ҳисобга олувчи счётларнинг кредити бўйича позицияли усулда бошқа мажбуриятларнинг ҳар бир тури бўйича ҳар бир кредитор кесимида алоҳида акс эттирилади. Бошқа мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебитида якуний ҳисоб-китоблар бўйича операциялар акс эттирилади.

40. Хусусий капитални ҳисобга олиш қайдномаси — ҳисобот даври учун хусусий капиталнинг ҳолати ва ҳаракатланиши ҳақидаги маълумотни уни шакллантириш манбалари бўйича акс эттирувчи регистр ҳисобланади. Мазкур қайднома ҳисоби устав капитални (8300), қўшилган капитални (8400), резерв капитални (8500), сотиб олинган хусусий акцияларни (8600), тақсимланмаган фойдани (қопланмаган зарарни) (8700) ва мақсадли тушумларни (8800) ҳисобга олувчи счётларда юритиладиган хусусий капиталнинг аналитик ва синтетик ҳисобини юритишда қўлланилади.

41. Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш қайдномаси — ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган ва маҳсулотларнинг таннархига киритиладиган ишлаб чиқариш харажатларини умумлаштирувчи регистр ҳисобланади. Мазкур қайдномада ҳисобот даврининг ишлаб чиқариш харажатлари тўғрисидаги маълумотлар харажатларни ҳисобга олувчи (2000, 2100, 2300, 2500) счётлар айланмасидан келиб чиқиб акс эттирилади. Харажатларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебитидаги харажатлар турли счётларнинг кредитларидан бошқа қайдномалардаги

маълумотлар ва тегишли бошланғич ҳисоб ҳужжатларидаги маълумотлардан йиғилади.

Ишлаб чиқариш жараёни тугаган маҳсулотлар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар бўйича уларнинг ҳақиқий таннархи аниқланади ва улар харажатларни ҳисобга олувчи счётларнинг (2000, 2300) кредитидан маҳсулот (иш ва хизмат)лардан фойдаланиш йўналишларига қараб тегишли счётларнинг дебетига ҳисобдан чиқарилади. Бунда маҳсулот оморга қабул қилинганда 2810 «Омбордаги тайёр маҳсулотлар» счёти, маҳсулот реализация қилинганда 9110 «Реализация қилинган тайёр маҳсулотлар таннархи» счёти, иш ва хизматлар реализация қилинганда 9130 «Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи» счёти қўлланилади. Ҳисобот даври охирида тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархи йил бошидаги тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматига жорий ҳисобот давридаги ишлаб чиқариш харажатларини қўшиб, ундан тайёр маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизмат таннархини айириш йўли билан аниқланади.

42. Ҳисобот даври даромадларини ҳисобга олиш қайдномаси — даромадлар кесимида ҳисобот даври даромадларини умумлаштирувчи регистр ҳисобланади. Мазкур қайдномада ҳисобот даври даромадлари тўғрисидаги маълумотлар даромадларни ҳисобга олувчи счётларнинг (9000, 9300, 9500, 9700) айланмасидан келиб чиқиб акс эттирилади.

Даромадларни ҳисобга олувчи счётларнинг кредитидаги даромадлар турли счётларнинг дебетларидан бошқа қайдномалардаги маълумотлар ва тегишли бошланғич ҳисоб ҳужжатларидаги маълумотлардан йиғилади. Ҳисобот даврининг якунида даромадларни ҳисобга олувчи счётларнинг айланма суммаси 9910 «Якуний молиявий натижа» счётига ўтказилади.

43. Ҳисобот даври харажатларини ҳисобга олиш қайдномаси — маҳсулот (иш, хизмат)ларни реализация қилиш харажатлари ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган харажатлар кесимида ҳисобот даври харажатларини умумлаштирувчи регистр ҳисобланади. Мазкур қайдномада ҳисобот даври харажатлари тўғрисидаги маълумотлар харажатларни ҳисобга олувчи счётларнинг (9100, 9400, 9600, 9700, 9800) айланмасидан келиб чиқиб акс эттирилади. Харажатларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебетига харажатлар турли счётларнинг кредитларидан бошқа қайдномалардаги маълумотлар ва тегишли бошланғич ҳисоб ҳужжатлардаги маълумотлардан йиғилади. Ҳисобот даврининг якунида харажатларни ҳисобга олувчи счётларнинг айланма суммаси 9910 «Якуний молиявий натижа» счётига ўтказилади.

44. Якуний молиявий натижани ҳисобга олиш қайдномаси — ҳисобот даври даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги маълумотларни умумлаштирувчи ҳамда ҳисобот давридаги соф фойдани (соф зарарни) акс эттирувчи регистр ҳисобланади.

45. Кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳисобот даври қайдномаларида акс эттирилган молиявий-хўжалик фаолияти натижалари Молиявий-хўжалик операцияларини ҳисобга олиш жамланма қайдномасида умумлаштирилади. Ҳисобот даврининг якунида ҳар бир счётнинг дебет ва кредити

бўйича айланма суммаси ҳисобланади ва ҳисобот даврининг охирига қолдиқ чиқарилади.

Молиявий-хўжалик операцияларини ҳисобга олиш жамланма қайдномаси — ҳисобот даврининг охирида маблағларнинг ва уларнинг келиб чиқиш манбалари мавжудлигини аниқлаш ҳамда молиявий ҳисоботни тузишда қўлланадиган регистр ҳисобланади. Мазкур қайднома тегишли ҳисобот даври учун очилади ва унда ҳисобот давридаги молиявий-хўжалик операциялари ҳисоби умумлаштирилади.

Мазкур қайдноманинг «Счётнинг рақами ва номи» устунда бухгалтерия ҳисобини юритишда қўлланилган барча счётлар акс этирилади ва «20__ йил «__» _____даги қолдиқ» устунига маблағларнинг турлари ва уларнинг келиб чиқиш манбалари бўйича ҳисобот даври бошидаги мавжуд қолдиқ суммалари ўтказилади. Актив счётларнинг қолдиқлари ушбу устуннинг «дебет» қисмида, пассив счётларнинг қолдиқлари эса — «кредит» қисмида акс этирилади. Мазкур қайдноманинг «20__ йил _____ ойи (чорак) учун жами айланма» устунда ҳисобот давридаги ушбу счётлар айланмаларининг жами акс этирилади. «20__ йил «__» _____даги қолдиқ» устунда активларни, мажбуриятларни ва хусусий капитални ҳисобга олувчи счётларнинг ҳар бири бўйича ҳисобот даврининг якунидаги мавжуд қолдиқ суммалари аниқланади. «Қайднома номи» устунда эса, келтирилган счётда бухгалтерия ҳисоби объекти юритиладиган тегишли қайдноманинг номи кўрсатилади.

Мазкур қайдномада қайд этилган активлар, мажбуриятлар ва хусусий капитални ҳисобга олувчи счётлар бўйича қолдиқлар 1-сонли шакл — бухгалтерия балансига, даромадлар ва харажатларни ҳисобга олувчи счётлар бўйича ҳисобот давридаги айланма 2-сонли шакл — молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга ўтказилади.

46. Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан фақат 1-сонли шакл — бухгалтерия баланси ва 2-сонли шакл — молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботлардан иборат бўлган йиллик молиявий ҳисобот тақдим этилади.

Бухгалтерия ҳисобининг миллий
 стандарти (20-сонли БҲМС)
 «Кичик тадбиркорлик субъектлари
 томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш-
 нинг соддалаштирилган тартиби»га
 1-ИЛОВА

**Молиявий-ҳўжалик операцияларини қайд этиш
 ЖУРНАЛИ**

20 ____ йил _____ учун

Ташкилот _____

Фаолият тури _____

Т/р	Сана	Бошланғич ҳисоб ҳужжатининг номи ва рақами	Операциянинг мазмуни	Сумма	Счёт рақами	
					дебет	кредит
		20 ____ йил		учун		
		20 ____ йил		учун		

Бухгалтерия ҳисобининг миллий
 стандарти (20-сонли БҲМС)
 «Кичик тадбиркорлик субъектлари
 томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш-
 нинг соддалаштирилган тартиби»га
 2-ИЛОВА

**Молиявий-хўжалик операцияларини ҳисобга олиш
 КИТОБИ**

20 ____ йил _____ учун

Ташкилот _____

Фаолият тури _____

Счёт рақами ва номи _____

Т/р	Сана	Бошланғич ҳисоб ҳужжатининг номи ва рақами	Счёт бўйича айланма		Қолдиқ	
			дебет	кредит	дебет	кредит
20	йил	даги қолдиқ				
20	йил	учун жами айланма				
20	йил	даги қолдиқ				

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти
(20-сонли БҲМС) «Кичик тадбиркорлик субъектлари
томонидан бухгалтерия ҳисобини юритишнинг
соддалаштирилган тартиби»га
3-ИЛОВА

**Асосий воситалар ва номоддий активларни ҳисобга олиш
ҚАЙДНОМАСИ**

20 ____ йил _____ учун
_____ -счёт бўйича

Ташкилот _____

Объектлар номи	Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати					Жамғарилган эскириш					Қолдиқ қиймати	
	йил бошига қолдиқ	қайта баҳолаш	келиб тушиши	чиқиб кетиши	йил охирига қолдиқ	йил бошига қолдиқ	қайта баҳолаш	чиқиб кетиши	ҳисобланган	йил охирига қолдиқ	йил бошига қайта баҳолаш ҳисобга олинган ҳолда	йил охирига

Раҳбар

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Бухгалтер

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти
(20-сонли БҲМС) «Кичик тадбиркорлик субъектлари
томонидан бухгалтерия ҳисобини юритишнинг
соддалаштирилган тартиби»га
4-ИЛОВА

**Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш
ҚАЙДНОМАСИ**

20__ йил _____ учун
_____ -счёт бўйича

Ташкилот _____

Т/р	Сана	Молиявий инвестициялар номи														
		Акциялар				Облигациялар				Бошқа инвестициялар						
		кор. счёт	келиб тушиши миқ- дори	сум- маси	чиқими миқ- дори	сум- маси	кор. счёт	келиб тушиши миқ- дори	сум- маси	чиқими миқ- дори	сум- маси	кор. счёт	келиб тушиши миқ- дори	сум- маси	чиқими миқ- дори	сум- маси
20__ йил _____ даги қолдиқ																
20__ йил _____ учун жами айланма																
20__ йил _____ даги қолдиқ																

Раҳбар _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)
Бухгалтер _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти
(20-сонли БҲМС) «Кичик тадбиркорлик субъектлари
томонидан бухгалтерия ҳисобини юритишнинг
содалаштирилган тартиби»га
5-ИЛОВА

**Капитал қўйилмаларни ҳисобга олиш
ҚАЙДНОМАСИ**

20__ йил _____ учун
_____ -счёт бўйича

Ташкилот _____

Т/р	Объектларнинг номи	Ўлчов бирлиги	20__ йил _____ даги қолдиқ		Келиб тушган ва счётнинг дебити бўйича қуйидаги счётлар кредитида акс эттирилган				Чиқим бўлган ва счётнинг кредити бўйича қуйидаги счётлар дебитида акс эттирилган				20__ йил _____ даги қолдиқ	
			миқ-дори	суммаси	-счёт		-счёт		-счёт		-счёт		миқ-дори	суммаси
					миқ-дори	суммаси	миқ-дори	суммаси	миқ-дори	суммаси	миқ-дори	суммаси		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15

Раҳбар _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)
Бухгалтер _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти
(20-сонли БҲМС) «Кичик тадбиркорлик субъектлари
томонидан бухгалтерия ҳисобини юритишнинг
содалаштирилган тартиби»га
6-ИЛОВА

**Товар-моддий захираларни ҳисобга олиш
ҚАЙДНОМАСИ**

20__ йил _____ учун
_____ -счёт бўйича

Ташкилот _____

Т/р	Материаллар ва тайёр маҳсулотларнинг номи	Ўлчов бирлиги	Товар-моддий захиралар баҳоси (таннархи)	20__ йил _____ даги қолдиқ		Келиб тушган ва счётнинг дебити бўйича қуйидаги счётлар кредитида акс эттирилган				Чиқим бўлган ва счётнинг кредити бўйича қуйидаги счётлар дебитида акс эттирилган				20__ йил _____ даги қолдиқ	
				миқ-дори	сум-маси	-счёт		-счёт		-счёт		-счёт		миқ-дори	сум-маси
						миқ-дори	сум-маси	миқ-дори	сум-маси	миқ-дори	сум-маси	миқ-дори	сум-маси		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16

Раҳбар _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)
Бухгалтер _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти
(20-сонли БҲМС) «Кичик тадбиркорлик субъектлари
томонидан бухгалтерия ҳисобини юритишнинг
соддалаштирилган тартиби»га
7-ИЛОВА

**Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш
ҚАЙДНОМАСИ**

20 ____ йил _____ учун
_____ -счёт бўйича

Ташкилот _____

Т/р	Харидор	Олинadиган счётларнинг 20__ йил ____ даги қолдиғи	Бошланғич ҳисоб ҳужжатининг номи ва рақами	Сотилган маҳсулот номи	____-счётнинг дебетидан қуйидаги счётлар кредити бўйича				____-сётнинг кредитидан қуйидаги счётлар дебети бўйича				Олинadиган счётларнинг 20__ йил ____ даги қолдиғи
					- счёт	- счёт	- счёт	жами	- счёт	- счёт	- счёт	жами	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14

Раҳбар _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)
Бухгалтер _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти
(20-сонли БҲМС) «Кичик тадбиркорлик субъектлари
томонидан бухгалтерия ҳисобини юритишнинг
соддалаштирилган тартиби»га
8-ИЛОВА

**Бошқа дебиторлик қарзларни ҳисобга олиш
ҚАЙДНОМАСИ**

20__ йил _____ учун
_____ -счёт бўйича

Ташкилот _____

Дебиторлар номи	20__ йил _____ даги қолдиқ	_____ -счётнинг дебетидан қуйидаги счётлар кредитига				_____ -счётнинг кредитидан қуйидаги счётлар дебетига					20__ йил _____ даги қолдиқ
	дебет	счёт ⁻	счёт ⁻	счёт ⁻	жами	счёт ⁻	счёт ⁻	счёт ⁻	счёт ⁻	жами	дебет
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Раҳбар _____

(имзо)

(Ф.И.О.)

Бухгалтер _____

(имзо)

(Ф.И.О.)

Бухгалтерия ҳисобининг миллий
 стандарти (20-сонли БҲМС)
 «Кичик тадбиркорлик субъектлари
 томонидан бухгалтерия ҳисобини юришти-
 нинг соддалаштирилган тартиби»га
 9-ИЛОВА

**Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини ҳисобга олиш
 ҚАЙДНОМАСИ**

20 _____ **йил** _____ **учун**
 _____ **-счёт бўйича**

Ташкилот _____

Т/р	Сана	Кор. счёт	Кирим (Дебет)	Чиқим (Кредит)
20	йил _____	даги қолдиқ		
20	йил _____	учун жами айланма		
20	йил _____	даги қолдиқ		

Раҳбар _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)
 Бухгалтер _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти
(20-сонли БҲМС) «Кичик тадбиркорлик субъектлари
томонидан бухгалтерия ҳисобини юритишнинг
соддалаштирилган тартиби»га
10-ИЛОВА

**Мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш
ҚАЙДНОМАСИ**

20__ йил _____ учун

Ташкилот _____

Т/р	Хужжатнинг рақами ва санаси	Мол етказиб берувчи	20__ йил _____ даги қолдиқ	_____ -счётнинг кредитидан куйидаги счётлар дебетига					_____ -счётнинг дебетидан куйидаги счётлар кредитига					20__ йил _____ даги қолдиқ
				счёт -	счёт -	счёт -	счёт -	жами	счёт -	счёт -	счёт -	счёт -	жами	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15

Раҳбар _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)
Бухгалтер _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти
(20-сонли БҲМС) «Кичик тадбиркорлик субъектлари
томонидан бухгалтерия ҳисобини юритишнинг
содалаштирилган тартиби»га
11-ИЛОВА

448-модда

**Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш
ҚАЙДНОМАСИ**

20 ____ йил _____ учун
_____ -счёт бўйича

Ташкилот _____

Т/р	Ҳисобдор шахсларнинг Ф.И.О.	20__ йил ____ даги қарздорлик қолдиғи		Берилган					Ишлатилган					20__ йил ____ даги қарздорлик қолдиғи	
		кичик тадбиркорлик субъекти олдидаги	ҳисобдор шахс олдидаги	ҳужжат		кор. счёт		сумма	ҳужжат		кор. счёт		сумма	кичик тадбиркорлик субъекти олдидаги	ҳисобдор шахс олдидаги
				рақа-ми	сана	Дт	Кт		рақа-ми	сана	Дт	Кт			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16

Раҳбар _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)
Бухгалтер _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

— 90 —

33 (585) -сон

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти
(20-сонли БҲМС) «Кичик тадбиркорлик субъектлари
томонидан бухгалтерия ҳисобини юритишнинг
соддалаштирилган тартиби»га
12-ИЛОВА

**Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш
ҚАЙДНОМАСИ**

20__ йил _____ учун

Ташкилот _____

Т/р	Ф.И.О.	Лавозими	20__ йил _____ даги қолдиқ (ҳодим олдидаги қарздорлик)	____-счёт кредитидан қуйидаги счётлар дебетига					____-счёт дебетидан қуйидаги счётлар кредитига (ушлаб қолинган)					Тула- нади	Олув- чининг имзоси	ФШЖБПС**
				____- счёт	____- счёт	____- счёт	____- счёт	жами	аванс	жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	ПЖ*	касаба уюш- масига бадал- лар	жами			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17

Раҳбар _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)
Бухгалтер _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

* Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси.
** Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия счёти.

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти
(20-сонли БҲМС) «Кичик тадбиркорлик субъектлари
томонидан бухгалтерия ҳисобини юртишнинг
содалаштирилган тартиби»га
13-ИЛОВА

448-модда

**Бошқа мажбуриятларни ҳисобга олиш
ҚАЙДНОМАСИ**

20__ йил _____ учун
_____ -счёт бўйича

Ташкилот _____

Бошқа кредиторлар номи	20__ йил _____ даги қолдиқ	_____ -счётнинг кредитидан қуйидаги счётлар дебетиға				_____ -счётнинг дебетидан қуйидаги счётлар кредитига					20__ йил _____ даги қолдиқ
	кредит	счёт	счёт	счёт	жами	счёт	счёт	счёт	счёт	жами	кредит
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Раҳбар _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

Бухгалтер _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

— 92 —

33 (585) -сон

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти
(20-сонли БҲМС) «Кичик тадбиркорлик субъектлари
томонидан бухгалтерия ҳисобини юритишнинг
соддалаштирилган тартиби»га
14-ИЛОВА

**Хусусий капитални ҳисобга олиш
ҚАЙДНОМАСИ**

20 ____ йил _____ учун

Ташкилот _____

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Хусусий капитални ҳисобга олувчи счётлар дебети бўйича қуйидаги счётнинг кредитига	Хусусий капитални ҳисобга олувчи счётлар кредитидан қуйидаги счётлар дебетига										Жами сумма	
			устав капитали		қўшилган капитал		резерв капитали		тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)		мақсадли тушумлар ва бошқалар			
			кор. счёт	сумма	кор. счёт	сумма	кор. счёт	сумма	кор. счёт	сумма	кор. счёт	сумма		
20	йил даги қолдиқ		х		х			х		х		х		
Жами 20	йил учун													
20	йил даги қолдиқ		х		х			х		х		х		

Раҳбар

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Бухгалтер

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти
(20-сонли БҲМС) «Кичик тадбиркорлик субъектлари
томонидан бухгалтерия ҳисобини юритишнинг
соддалаштирилган тартиби»га
15-ИЛОВА

448-модда

**Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш
ҚАЙДНОМАСИ**

20 ____ йил _____ учун
_____ -счёт бўйича

Ташкилот _____

Т/р	Харажатлар моддалари	Ҳисобот даври бошида тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиги	Счётнинг дебетидан қуйидаги счётлар кредитига				Счётнинг кредитидан қуйидаги счётлар дебетига				Ҳисобот даври охирида тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиги
			счёт	счёт	счёт	жами	счёт	счёт	счёт	жами	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Раҳбар _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

Бухгалтер _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

— 94 —

33 (585) -сон

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти
(20-сонли БҲМС) «Кичик тадбиркорлик субъектлари
томонидан бухгалтерия ҳисобини юритишнинг
содалаштирилган тартиби»га
16-ИЛОВА

**Ҳисобот даври даромадларини ҳисобга олиш
ҚАЙДНОМАСИ**

20___ йил _____ учун
_____ -счёт бўйича

Ташкилот _____

Т/р	Даромадлар моддалари	Счётнинг кредитидан қуйидаги счётлар дебетига								Счётнинг дебетидан _____счётнинг кредитига
		_____ - счёт	_____ - счёт	_____ - счёт	_____ - счёт	_____ - счёт	_____ - счёт	_____ - счёт	_____ - счёт	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11

Раҳбар _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

Бухгалтер _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти
(20-сонли БҲМС) «Кичик тадбиркорлик субъектлари
томонидан бухгалтерия ҳисобини юритишнинг
соддалаштирилган тартиби»га
17-ИЛОВА

448-модда

**Ҳисобот даври харажатларини ҳисобга олиш
ҚАЙДНОМАСИ**

20 ____ йил _____ учун
_____ -счёт бўйича

Ташкилот _____

Т/р	Харажатлар моддалари	Счётнинг дебетидан қуйидаги счётлар кредитига							жами	Счётнинг кредитидан _____сётнинг дебетига
		сёт	сёт	сёт	сёт	сёт	сёт	сёт		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11

Раҳбар _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

Бухгалтер _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

— 96 —

33 (585) -сон

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти
(20-сонли БҲМС) «Кичик тадбиркорлик субъектлари
томонидан бухгалтерия ҳисобини юритишнинг
соддалаштирилган тартиби»га
18-ИЛОВА

**Яқуний молиявий натижани ҳисобга олиш
ҚАЙДНОМАСИ**

20 ____ йил _____ учун

Ташкилот _____

Харажатлар (счётлар бўйича)							Даромадлар (счётлар бўйича)						Соф фойда (зарар)	
счёт	счёт	счёт	счёт	счёт	счёт	жами харажатлар	счёт	счёт	счёт	счёт	счёт	жами даромадлар	ҳисобот даври учун	йил бошидан
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15

Раҳбар _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)
 Бухгалтер _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти
(20-сонли БҲМС) «Кичик тадбиркорлик субъектлари
томонидан бухгалтерия ҳисобини юртишнинг
соддалаштирилган тартиби»га
19-ИЛОВА

448-модда

**Молиявий-ҳўжалик операцияларини ҳисобга олиш жамланма
ҚАЙДНОМАСИ**

20__ йил _____ учун

Ташкилот _____

Фаолият тури _____

Т/р	Счётнинг рақами ва номи	20__ йил _____ даги қолдиқ		20__ йил _____ учун жами айланма		20__ йил _____ даги қолдиқ		Қайднома номи
		дебет	кредит	дебет	кредит	дебет	кредит	

Раҳбар _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

Бухгалтер _____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

— 98 —

33 (585) -сон